

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

\_\_\_\_\_ вилояти жиноят ишлари бўйича  
\_\_\_\_\_, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: \_\_\_\_\_

судья ёрдамчиси \_\_\_\_\_

котиблигида, томонлардан

\_\_\_\_\_ тарихида “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат”  
кўлланилган, жиноят ишлари бўйича \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ чорасига ўзгартирилган, 2025 йил 15 сентябрь куни  
ушланганга

нисбатан \_\_\_\_\_ жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб,  
дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечириб, суд  
мажлисида аниқланган ҳолатларни муҳокама қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Фуқаролик ишлари бўйича \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ туғилган вояга етмаган фарзанди \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ моддий таъминоти учун 2020 йил 7 сентябрдан бошлаб вояга етгунига қадар  
хар ой жами даромадининг 1/4 қисм миқдорда алимент ундирилиши  
белгиланган.

Бироқ, қарздор \_\_\_\_\_ фойдали меҳнат билан  
шуғулланмасдан, ҳеч қаерда ишламасдан, шунингдек \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ лозим бўлган 22.208.851 сўм миқдордаги алимент маблағини ундирувчи  
\_\_\_\_\_



10 февралда жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47<sup>4</sup>-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, унга нисбатан 10 сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинланган бўлса-да, у бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин, ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракатларини давом эттириб, 2023 йил 9 февралдан 2025 йил 1 февралга қадар, яъни 24 ойдан ортиқ муддат мобайнида, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган фарзандини, 31.890.270,4 сўм жами 54.099.121,4 сўм миқдордаги алимент маблағини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] қилинган айбга тўлиқ иқроор бўлиб, қуйидагиларни, яъни у 2008 йил 30 ноябрь куни 1983 йил 12 августда [REDACTED]

билан 2017 йил ноябрь ойига қадар бирга эр-хотин бўлиб яшаб келганини, турмушлари давомида 2009 йил 23 ноябрда [REDACTED]

келмаганлиги сабабли ажрашиб кетганлигини, ажралиб кетганига асосий сабаб турмуш ўртоғи [REDACTED]

алимент ундириш учун фуқаролик ишлари бўйича [REDACTED] судига ариза билан мурожаат қилганлигини ва унинг аризасига асосан, шу суднинг 2020 йил 8 сентябрдаги №2-1106-2003/1960-сонли суд буйруғига кўра, ўзидан ундирувчи [REDACTED]

жами даромадининг 1/4 қисм миқдорида алимент ундирилиши белгиланлигини, аммо у ҳеч қаерда ишламаганлиги ва 2020 йил 7 сентябрдан, 2023 йил 9 февралга қадар 22.208.851 сўм миқдордаги алимент маблағини тўламаганлиги сабабли 2023 йил 10 февралда жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47<sup>4</sup>-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилганлигини ва 10 сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинланганлигини, бундан ташқари, ўзига нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин, яъни 2023 йил 9 февралдан, 2025 йил 1 февралга қадар 31.890.270,4 сўм жами 54.099.121,4 сўм миқдорда алимент маблағидан қарздорлиги мавжудлигини, у бир неча давлат ишларига жойлашганлиги, бироқ турмуш ўртоғи ва қариндошлари иш жойига бориб жанжал қилаверишганида уни ишдан бўшатиб юборишганлигини, ҳозирда кафеларда ишлаб кунига 70.000-80.000 сўм пул топиб кун кечиршини, вояга етмаган бир нафар фарзанди учун тўланиши лозим бўлган алимент пулларини ишлаб тўлиқ қолаб беришлигини. Ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, аёллигини инобатга олиб, унга имконият беришни сўраб, кўрсатма берди.



Судланувчи [REDACTED] жиноят содир этганликдаги айби ўзининг айбига тўлиқ иқдорлик билдириб берган кўрсатмаларидан ташқари, шунингдек ишда мавжуд қуйидаги далиллар мажмуи билан тўлиқ исботланган.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] қуйидагиларни, яъни у [REDACTED] шахрида туғилган [REDACTED] қонуний никоҳдан ўтиб, у билан 2017 йил ноябрь ойига қадар бирга эр-хотин бўлиб яшаб келганлигини, турмуши давомида 2009 йил 23 ноябрда [REDACTED]

фарзандлари туғилганлигини, турмуш ўртоғи уйига кетиб, келиб юрганлигини ва 2017 йилда яна ярашиб, бирга яшаганлигини, аммо муносабатлари тўғри келмаганлиги сабабли ажрашиб кетишганлигини, ажралиб кетишига асосий сабаб турмуш ўртоғи [REDACTED]

урганлиги сабаб бўлганлигини, шундан буён қизи 2 гуруҳ ногирон бўлиб, рўйхатда туришини, турмуш ўртоғи [REDACTED]

мурожаат қилганлигини, шу суднинг 2020 йил 8 сентябрдаги №2-1106-2003/1960-сонли суд буйруғига кўра, ўзи фойдасига қарздор [REDACTED] 2018 йил 7 майда туғилган вояга етмаган фарзанди Аноранинг моддий таъминоти учун 2020 йил 7 сентябрдан бошлаб вояга етгунига қадар ҳар ой жами даромадининг 1/4 қисм миқдорида алимент ундирилиши белгиланганини, аммо турмуш ўртоғи [REDACTED] ишламаганлиги ва 2020 йил 7 сентябрдан 2023 йил 9 февралга қадар 22.208.851 сўм миқдордаги алимент маблағини тўламаганлиги сабабли 2023 йил 10 февралда жиноят ишлари бўйича [REDACTED]

маъмурий жавобгарликка тортилгани ва унга нисбатан 10 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлангани, у бундан ташқари, ўзига хулоса чиқариб олмасдан, маъмурий жазо қўлланилганидан кейин, 2023 йил 9 февралдан 2025 йил 1 февралга қадар 31.890.270,4 сўм жами 54.099.121,4 сўм миқдорда алимент маблағини тўламадан келганлигини. Ҳозирда судланувчи [REDACTED]

пулларни ундиришни, судланувчи [REDACTED] нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, кўрсатма берди.

Шунингдек, судланувчи [REDACTED] жиноятини содир этганликдаги айби жабрланувчи [REDACTED] ишлари бўйича [REDACTED]

моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ҳақидаги қарори (и.в. 14-16), огоҳлантириш хатлари (и.в. 19-24), алимент қарздорлигини



ҳисоблаш тўғрисида қарорлар (и.в. 49-50) ва бошқа иш бўйича тўпланган далиллар билан ўз тасдиғини топди.

Суд, судланувчи [REDACTED] содир этилган жиноий ҳаракатларининг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан, яъни маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг, вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаб, бу ҳаракатларини суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламасликда ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага киритилганлиги билан белгиланиши, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши кўрсатилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у аҳлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги қонун ва Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54, 55, 56-моддалари талабларига риоя қилиб, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни, унинг шахсини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини, етказилган зарар қопланмаган бўлсада, муқаддам судланмаганлигини, аёллигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароити оғирлигини, кафеларда ишлаб кунига 70.000-80.000 сўм пул топиб кун кечиришини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, унга айбдор деб топилаётган модда санкциясида назарда



тутилмаган енгилроқ жазо, яъни жарима жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддаси 6-қисмида “Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратади.” деб кўрсатилган.

Суд, суд судланувчи [REDACTED]

29 январдаги қарзни ҳисоблаш тўғрисидаги қарорига кўра, қарздор

54.099.121,4 сўм алимент қарздорлиги мавжудлигини инобатга олиб, судланувчи [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] фойдасига 54.099.121,4 алиментдан бўлган қарздорликни ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддаси 5-қисмига кўра “Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга” деб тушунтириш берилганлигини инобатга олиб, судланувчига шикоят қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддаси 5,6-қисмлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 (йигирма беш) баравари миқдорида, яъни 9.375.000 (тўққиз миллион уч юз етмиш беш минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан

[REDACTED] қадар қамоқда сақланган ҳар бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисоблаб, тўлаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 (олти) баравари миқдорида, яъни 2.250.000 (икки миллион икки юз эллик минг) сўм жарима жазоси қолдирилсин.

Тайинланган жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Судланувчи [REDACTED] нисбатан қўлланилган “қамоқ” эҳтиёт чораси “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, қамоқдан озод қилинсин.



Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг судланувчи [REDACTED] нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED]  
ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация тартибида [REDACTED] қилишга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи  
Нусха аслига тўғри

ИМЗО [REDACTED]

